

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT HOKIMLIGI
FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETI
FILOLOGIYA FAKULTETI



**DAVLAT TILI O'QITISHNING
DOLZARB MASALALARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR**

XALQARO ILMIIY-AMALIIY ANJUMAN
MATERIALLARI

TO'PLAMI

FARG'ONA – 2020

OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT HOKIMLIGI

FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETI

FILOLOGIYA FAKULTETI

**DAVLAT TILI O'QITISHNING
DOLZARB MASALALARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR
XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI**

TO'PLAMI



FARG'ONA – 2020

Davlat tili o‘qitishning dolzarb masalalari: muammo va yechimlar

**Актуальные вопросы преподавание Государственного языка:
проблемы и решения**

**“Actual issues of teaching the state language: Problems and
solutions”**

**ДАВЛАТ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами
2020 йил 20 октябрь**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги
“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеининг тубдан
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармонида
белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти
хокимлиги ҳамда Фарғона давлат университети филология факультети
хамкорлигидаги халқаро анжуман материаллари**

Фарғона – 2020

MAS'UL MUHARRIR:

Z.Rahimov – filologiya fakulteti dekani, f.f.n., dotsent

TASHKILY QO'MITA:

R.Maksudov – Farg'ona davlat universiteti rektori, P.Otaqulov – FarDU yoshlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i, M.Abdupattoyev – FarDU o'zbek tili va adabiyoti kafedrasini mudiri, Sh.Iskandarova – filologiya fanlari doktori, professor, M.Hakimov – filologiya fanlari doktori, professor, S.Qurbonova – filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori.

TAHRIR HAY'ATI:

A.Sabirdinov – filologiya fanlari doktori, professor, G.Roziqova – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, N.Umarova – filologiya fanlari nomzodi, dotsent

TO'PLAB NASHRGA TAYYORLAGANLAR:

N.Sharafiddinova, O.Abbozov, A.Q.Abdurahmonov, A.Shodiyeva, O.Xolmatov, M.Burxonova, R.No'monova, M.Qurbonova.

Mazkur to'plamdagi maqolalarning ilmiy saviyasi, keltirilgan fakt va raqamlar uchun maqola mualliflari mas'ul.

	assotsiativ tafakkurning oʻrni	
9.	Сиддиқов М. (ҚДПИ), Сиддиқова Ф. (ЖТУ) Муқимий шеърниҳтида халқ тили унсурлари	202
10.	Асадов Т.Х. (БухДУ) Белги ифодаловчи –ча аффиксининг табиати хусусида	204
11.	Омонов М.У. (ФарДУ) Айрим арабча ва форсча ўлашмалардаги фонетик ўзгаришлар хусусида	206
12.	Ганиева Ш. (ФарДУ) Ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг локал валентлиги тўғрисида	208
13.	Сулаймонов М. Филология фанлари номзоди. Ўзбек тилида дастхатларнинг ўрганилишига доир	211
14.	Расулова А.М. (ФарДУ) Тўсикензлик муносабатининг майдон сифатида ўрганилиши	213
15.	Мирзаева Н.А. (Ўзбекистон журналистика ва оммавий кормуникациялар университети) Паремалар – болалар нашрлари материалларида лингвистик восита сифатида	215
16.	Ганиев Н. (Навойи кончилиқ институти) Ўзбек тилшунослиги ономастикасининг назарий ва амалий муаммолари	218
17.	Ўйдуллаева Г.Ш. (Алишер Навойи номидаги ТДУТАУ) Грамматик коидалар – тилшунослиқнинг амалий йўналишини кучайтириш омили сифатида	221
18.	Жўрабоева Г.С. (ФарДУ) Топонимлар тадқиқига антропоцентриқ ёндашув масаласи	225
19.	Бутунбаева Т.А. (Ўзбекистон давлат хореография академияси) Шеърний матнининг прагматик таҳлили	227
20.	Раҳматуллаева Д.Ш. (ҚДПИ) Мустақиллик йилларида “илм-маърифат” семемали лексемалар	230
21.	Имомалиева М.И. (ҚДПИ) Лексик маъно тараккиёти	231
22.	Ўринбоева Э. (ФарДУ) Эллипсисга учраган мақоллар таҳлили	234
23.	Юнусова З.У. (Тожикистон. Академик Б.Гафуров номидаги Хужанд давлат университети) Фонетик-фонологик сатҳ атамалари тизимиға хос парадикматик ва синтагматик муносабатлар ва уларнинг номутаносиблиги ҳақида	236
24.	Бурхонова М. (ФарДУ) Паралингвистик воситаларнинг ёзма шакллари	240
25.	Ўбайдуллаев Х. (ФарДУ) Турли тиллардаги фразеологизмларнинг тавсифи хусусида	242
26.	Жабборова А. (ЖДПИ) Ижобий ва салбий баҳо муносабат ифодаловчи фразеологизмларнинг семантик таҳлили	245
27.	Ўринбоева Э. (ФарДУ) А.Қаххор ҳикояларида қўлланган мақоллар синтактик поэтикаси	248
28.	Қурбонова М.А. (ФарДУ) XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек тили лексикасида форс-тожикча сўзларнинг	250

Умуман олганда, Муқимий лирик қаҳрамони тилада бундай оҳорли халқ иборалари бешиҳоя кўп учрайди. Шоир газалларидаги “Ман бу гам бозорида юрмакка ҳолим қолмади”, “Феълу-атворингни соғиндим ёмон”, “Найлайин, ҳар ерда бўлсанг ҳам, омон бўл майлига”, “Кўз тешилди йўлларида ҳам қараб” сингари кўп мисралари, “шул ишни бекор айладинг”, “бормуди қасдинг”, “уй бўлмагай девонада” каби иборалари бевосита халқ тилидан олиниб, бадиний ишлов берилган ҳолда ҳақнинг ўзига қайтарилган мисра ва иборалардир.

Хуллас, Муқимий шеърлари ҳар жиҳатдан эътиборли бўлиб, уларнинг боқийлигини таъмин этган мундарижавий ҳамда шаклий унсурлар шоир истифода этган халқ сўзлари ва иборалари нафосати ҳамда ҳар бир асарнинг фасоҳатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муқимий. Кўнглим сандадур... – Т.: Шарқ, 2009. – Б. 272.
2. Муқимий Асарлар тўплами. 2 жилдлик, 1-жилд. – Т. 1962. – Б. 277.
3. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 16-жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 698.
4. Очилов Э. Ўзбек халқининг мўътабар шоири // Муқимий. Кўнглим сандадур... – Т.: Шарқ, 2009. – Б. 3-32.
5. Каримов Г. Муҳаммад Аминхўжа Муқимий // Муқимий. Асарлар тўплами. 2 жилдлик, 1-жилд. – Т. 1962. – Б. 3-38.

БЕЛГИ ИФОДАЛОВЧИ -ча АФФИКСИНИНГ ТАБИАТИ ХУСУСИДА

Т.Ҳ.Асадов, ф.ф.н., доцент, БухДУ

Маълумки, кўпгина мустақил маъноли, морфологик ўзгармас сўзлар – равишлар таркибида учрайдиган -ча аффиксининг грамматик-семантик табиати хусусида туркологияда ҳамда ўзбек тилшунослигида бир қанча фикр-мулоҳазалар баён этилган. Аксарият манбаларда, хусусан, “Ўзбек тили грамматикаси”да -ча морфемаси фаол равиш ясовчи аффикс сифатида талқин этилган[5,529]. Замоनावий тилшуносликда белги ифодаловчи -ча қўшимчали сўзлар (равишлар)га ясама сўз сифатида қараш бир қадар ўзгарди, -ча морфемасининг сўз ясаш имконияти рад этилди [3;7]. Бирок билдирилган талқини таснифларга қарамай, -ча аффикси ҳақидаги эътирофлар замоनावий тилшуносликни қондирилмай келмоқда. Бу морфеманинг семантик, грамматик мезони тўла тузилган эмас.

-ча қўшимчаси баъзи фонетик фарқлар билан барча туркий тилларда учрайди. Турколог олим Н.К.Дмитриев -ча аффиксининг келиб чиқиши – этимологияси ҳақида шундай ёзади: «...чакъ элементи дастлабки маъносидан чекинганда, кўмакчи грамматик элемент сифатида қўлланила бошланганда, ўзининг турғун шаклини ҳам йўқотган, кейинчалик -к тушиб қолиши натижасида унинг таркибида унли товушлар ҳам ўзгаришга учраб, -чакъ шакли ўрнида -ча/че фонетик варианты вужудга келган»[2,47].

-ча ва у асосида ривожланган -ларча, -часига аффикслари асрлар оша тараккий этиб келаётган, кўпгина сўзларга бирикиши ҳамда турли-туман маъноларни юзага чиқара олиш имкониятларига эга бўлган тил бирликлари саналади. Мазкур шакллар, уларнинг табиати борасида биз қисман олдинги ишларимизда тўхталган эдик[1,45]. Бу ўринда айтилган фикрларни ривожлантирган ҳолда яна айрим фикр-мулоҳазаларни баён этмоқчимиз.

Белги ифодаловчи -ча, -ларча, -часига аффикслари билан юзага келган сўзларнинг ясалтиш асосини шахс, шахснинг хилма-хил сифатлари – миллати, кариндошлиги, ёши, касб-корини таснифловчи отлар, нарса отлари, белги-хусусият ифодаловчи сифатлар ташкил қилиши кузатилади. Масалан: *йиғитча, ўзбекча, қилча, тирноқча, очикча, акаларча, оталарча, катталарча, деҳқонларча, ўзбекчасига, эскичасига, янгичасига, қассобчасига, япончасига* ва х.к. Белги ифодаловчи -ча, -ларча, -часига аффикслари билан ҳосил бўлган юқоридаги каби сўзлар маъно ифодасида -ча аффиксининг мавқеи етакчилик қилади. Аникроғи, -ларча, -часига каби мураккаб шакллар ҳам тилнинг тадрижий ривожини маҳсули сифатида -ча аффиксини орқали юзага келган (морфологик қайта бўлиниш). Шу сабабли -ларча, -часига аффикслари ҳақида сўзлашдан аввал -ча аффиксини ва унинг грамматик табиатига аҳамият қаратмоқ лозим.

Рағиб ясовчи қўшимчалар орасида энг кўп мунозарага сабаб бўлган -ча қўшимчасининг полифункционаллиги ҳам грамматикада айрим чалқашликлар келиб чиқишига сабаб бўлиб келмоқда. Бу аффиксининг полифункционаллиги унинг ўта қадимийлигидан далолат беради. Терс лугатда -чи қўшимчали қўидаги сўзлар келтирилган: *ўзгача, европача, фарғонача, ўртача, қисқача, туғандагича, керагича, одатдагича, ўшандайлигича, бутунлигича, аввалгича, қадимлигича, янглича, ўзича, ўшандайича, бутунлайича, атрофлича, тегишлича, бутунича, тўғрилиқича, яхшиликча, осонликча, кейинча, кўпинча, яширинча, ўғринча, аксинча, вақтинча, тегишлича, ўлгунча, озмунча, бирмунча* [6,30-31].

Кузатишлар кўрсатадики, -ча аффиксини бир қатор рағиблар таркибида сўз ясовчи эмас, балки юклама вазифасини (таъкидлаш, кучайтириш маъноси)даги элемент бўлиб келган. Ёки айтиш мумкинлиги, *яширинча, очикча, ортиқча, қисқача, бугунча, ҳозирча, бутунича* каби сўзларда -ча қўшимчасининг белгисиз кела олиши ҳам (*яширинча учрашмоқ – яширин учрашмоқ, очикча гаплашмоқ – очик гаплашмоқ, бугунча сабр қилмоқ – бугун сабр қилмоқ* ва б.) мазкур аффиксининг шу каби сўзларда сўз ясовчилик табиатига соя солади. Юқорида келтирилган мисоллар -ча морфемасини билан бирга ҳаракат белгисини билдиришга меъёрлашган ҳолос. Мана шу ҳолат бу сўзларни ясама рағиб деб баҳолашга сабаб бўлган. *Ҳозирча, бугунча* сўзларида -ча вақт меъёрини чегаралаб кўрсатиш учун қўлланган. Худди шу туфайли проф.Ш.Раҳматуллаев мазкур қўшимчани лугавий шакл ҳосил қилувчи аффикс (ўхшатиш шакли) деб баҳолайди[3,206]. *Яширинча, очикча* каби сўзларни *яширин тарзда, очик ҳолда* шаклида грамматик маънога тенг келиши ҳам бу қўмакчи морфеманинг айни сўзларда ясовчи эмаслигидан далолат беради.

Кейинги ҳолат шуки, -ча аффиксли бир қатор рағиблар фақатгина тарихан асос ва қўшимчага ажралиши мумкин. Жумладан, *анча, тича, ўларча, бунча, иунча, ўшанча, аксинча*, кабиларни ҳозирги қўидаги тил қонуниятлари асосида морфемаларга ажратиб бўлмайди. Аникроғи, бу каби адвербиализация ҳодисасига учраган сўзлар синхрон тилшунослик нуқтан назардан сўз ясовчи асос ва сўз ясовчидан иборат таркибга эга бўлолмайди. Мазкур сўзларга соддаланиш маҳсули сифатида караш лозим.

-ча аффиксини билан боғлиқ яна бир қатор сўзлар (Масалан: *дўстча, душманча, кейинча, ўғрича, эркакча, айёрча* ва б., яъни -ча урғу олмаган ҳолатда) дарслик ва қўлланмаларда учрайдики, тилшунос олим Ё.Тоғиев ўринли таъкидлаганидек[4], уларни адабий тил нормаларини даражасидаги ясама сўзлар

деб бўлмайди. Мазкур окказионал қўлланишдаги бу сўзлар *дўстларча, душманларча, айёрларча, эркаларча, хотинларча* тарзида қўллангандагина гайритабиийликнинг олди олинган бўлади.

Савол туғилади. -ча аффикси соф маънода ясалиш типини ҳосил қила оладими, йўқми? Бунда иккита сўз ясалиш типини (қолипни) инобатга тутиш лозим. Бизнингча, булар сўз ясалишига дахлдор:

1. [нарсa оти+ча=микдор маъноли равишлар]. Мазкур сўз ясалиш қолипи ҳосилалари гуруҳига *қилча, тирноқча, заррача*, шунингдек, нисбатан янги, нуткий ясалмалар саналадиган *қишлоқча, қушча, биноча, шаҳарча, вагонча, самалётча* ва ҳ.к. кабиларни мисол тарзида келтириш мумкин.

2. [муайян бир халқ/миллат/жой номи +ча= ҳолат маъноли равишлар]. Бу қолип ўнлаб, ҳатто юзлаб янги-янги сўзлар ясай олади. Жумладан, *тошкентча, бухороча, самарқандча, гиждубонча, андижонча, шофирконча, гузорча, хитойча, туркча, африкача* ва ҳ.к. Мазкур сўз ясаш қолипи шу қадар унимли, сермахсулки, дунёда нечта халқ, миллат, элат шаҳар (туман, маҳалла, қишлоқ...) бўлса, барчаси билан бирга янги сўз ҳосил қилиши мумкин. Демакки, ушбу қолип чексиз микдорда нуткий ҳосилалар юзага чиқара олади.

Иккинчи сўз ясаш қолипи ҳосилалари -часига аффикси билан ҳосил бўлган сўзларга синоним (грамматик синонимия) бўлиб келади: андижонча – андижончасига, фаргонча – фаргончасига, бухороча – бухорочасига, испанча – испанчасига каби. Бу қўлланишнинг иккинчи жуфтлигидаги -сига элементи маъно кучайтириш (плеоназм) вазифасида келган.

Ҳар иккала сўз ясалиш қолипи ҳосилалари ясама сўз бўла олади. Уларнинг ясамалигига асосий далил шуки, *заррача, тирноқча, вагонча; бухороча, тошкентча* сўзларининг маъносини *зарра, тирноқ, вагон, Бухоро, Тошкент* сўзлари маъноси ва -ча қўшимчасининг маъноси билан асослаб бўлади. Қолаверса, мазкур сўзларда деривациянинг яна бир асосий қонуни бўлмиш сўз ясаш асоси билан ясалма орасида денотатив маъновий фарқнинг мавжудлиги ҳам уларнинг ясама эканлигидан далолат беради. Шу нуқтан назардан юқоридаги қолип ҳосилаларини эътирозсиз ясама равишлар дея баҳолаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Асадов Т. Равишга хос айрим тарихий аффикслар хусусида // БухДУ илмий ахбороти. 2015, 1-сон, 44-47-б.
2. Дмитриев Н.К. Наречие в татарском и русском языках. – Строй тюркских языков. – М. – Л., 1962.
3. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili (darslik). –Т.: Universitet, 2006.
4. Таджиев Ё. Аффиксальная синонимия в узбекском языке: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. –Т., 1991.
5. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Т.: Фан, 1975.
6. Қўнгуоров У., Тихонов А. Ўзбек тилининг терс лугати. – С., 1968.
7. Ҳожиев А. Ўзбек тилида равиш ясалиши тизими масаласига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 2-сон, 41-44-б.

АЙРИМ АРАБЧА ВА ФОРСЧА ЎЗЛАШМАЛАРДАГИ ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР ХУСУСИДА

**М.У.Омонов,
филология фанлари бўйича**